

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ҚО'ЛЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ВА УЛАРНИНГ МУХИМ АҲАМИЯТИ

Хамрақулова Зилолаxon Нурматжонқизи

Фарғона вилояти Бағдод тумани

55- мактабининг Бошланғич синф ўқитувчиси

**Аннотатсия.** *Замонавий таълимни ташкил этишда қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир.*

**Калит сўзлар:** *педагогик технологиялар, интерфаол методлар таълим жараёнига ўзлари билмаган ҳолда қизиқиши билан киришиб кетадилар.*

Қисқа вақторасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга тезда казиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янги чаён дашувниталаб этади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда буюрада катта тажрибат ўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Таълимни ислоҳ қилиниши жараёнининг ажралмас, муҳим қисми ҳисобланган замонавий педагогик технологиялар, интерфаол методлар таълим жараёнига ўзлари билмаган ҳолда қизиқиши билан киришиб кетадилар. Тажриба шунки ўрсатадики , замонавий интерфаол стратегиялар бўлган билимларни самарали ўзлаштиради.

Чунки бугун синфларни тўлдириб ўтирган ўқувчилар шўх, беғубор болалик гаштини сураётган, баъзан хаёл параст болалардир. Улар орасида ҳатто 45 дақиқалик дарс жараёнининг ниҳоясини интиқлик билан кутиб, таълимга юзаки қарайдиган ўқувчилар ҳам йўқ эмас.

Интерфаол метод - таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасидадаги фаолликни ошириш орқали ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришини фаоллаштириш, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қилади. Интерфаол методларни қўллаш дарс самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Интерфаол таълимнинг асосий мезонлари: норасмий баҳс – мунозаралар ўтказиш, ўқув материални эркин баён этиш ва ифодалаш имконияти, ўқувчилар ташаббус кўрсатишларига имкониятлар яратилиши, кичик гуруҳ, синф жамоаси бўлиб ишлаш учун топшириқлар бериш ва бошқа методлардан иборат бўлиб, улар таълим – тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда ўзига хос аҳамиятга эга.

Ҳозирда таълим методларини такомиллаштириш соҳасидаги асосий йўналишлардан бири интерфаол таълим ва тарбия усулларини жорий қилишдан иборатдир. Барча фан ўқитувчилари шу жумладан бошланғич синф ўқитувчилари ҳам дарс машғулотлари жараёнида интерфаол методлардан борган сари кенг кўламда фойдаланмоқдалар.

Интерфаол методларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш, ўз фикрини баён қилиш, уни асосланган ҳолда ҳимоя қила билиш, соғлом мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўникмалари шаклланиб, ривожланиб боради.

Интерфаол дегани, ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ўзаро ҳамкорлик туфайли дарс марадорлигини ошади, янги дарсни ўқувчи мустақил ҳаракат, мулоҳаза, баҳс-мунозара орқали ўрганади, қўйилган мақсадга мустақил ўзи дарсда ўқувчи фаол иштирок этган ҳолда кичик гуруҳларда жавоб топишга ҳаракат қилади, яъни ҳам фикрлайди, ҳам баҳолайди, ҳам ёзади, ҳам гапиради, ҳам тинглайди, энг кераги ўзи фаол иштирок этади. Интерфаол усулларининг негизидаги топшириқ мазмунини англаб етган ўқувчилар таълим жараёнига ўзлари билмаган ҳолда қизиқиш билан киришиб кетадилар.

Замонавий педагогик технологияларга асосланган математик таълимнинг интерфаол стратегиялари таълим жараёнининг енгиллашувини, аниқлашувини, кенг жамоани қамраб олишга мўлжалланганлигини, ўқитувчининг фақатгина йўл - йўриқ кўрсатувчи назоратчига айланишинини, ўқитишнинг эркин ва мажбуриятсизлигини ҳамда энг асосийси ўқувчилар учун ўта қизиқарлигини ва самарадорлигини таъминлаб бера олади. Вазифамиз тақдим этилаётган математик маълумотлар тизимини ўқувчилар онгига сингдиришда имкон қадар осон, қизиқарли, серқирра ва шу билан бирга самарали йўллари ишлаб чиқаришдан иборат.

Интерфаол стратегияларнинг қўлланилиши мажбурий математика дарси жараёнини беихтоёр психологик ўйин ёки мусобақага айлантириб, юқорида тилга олинган пассив ўқувчиларни ҳам бироз бўлса—да, лекин юритишга ўз фикрларини кенг оммага изҳор этишга, синфда кечаётган баҳс-мунозараларга бефарқ бўлмасдан, фаол иштирок этишга ундайди.

Анъанавий усулда тузилган дарсга ўқувчиларнинг фақат билим олишига талаб қўйилган бўлса, математика таълимининг янги моделида билим билан бирга таълим самарасини оширишда танқидий, мустақил фикрлашга ўргатиш ҳам юқори ўринга қўйилади.

Бунда дарс мобайнида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги анъанавий, мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллашига катта эътибор қаратилади, бунинг учун эса ўқувчига танқидий, мустақил фикрлаш малакасини сингдириб бориш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Масаҳарипова Г.И, Ражабов ф оилй математика асослари -2010 йил, 391 бет
2. Хамедова Н.А ва бошқалар Математика-Тошкент 2007 йил, 312 бет
3. Холиқов А "Педагогик маҳорат" Тошкент-2010 йил, 350 бет
4. Стайлова Л ва бошқалар "бошланғич математика курси асослари " -  
Тошкент. Ўқитувчи. 1991  
йил, 336 бет